



ТА'ЛИМ ВА АМАЛИЙОТ ИНТЕГРАТСИЯСИ

ISSN: 2181-1776

Аскарова Наргиза Абдивалиевна

*Тошкент Тиббиёт Академияси,
“Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси*

Диққат етишмаслиги синдромли ва гиперактив болаларни тарбиялашда
оила - маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлигининг ўрни

Аннотация. Оила-инсон тафаккурининг олий маҳсули. Зотан, бу мўъжаз маскан юрт тараққиётида муҳим ўрин тутди. Айни чоғда оиладаги тотувлик ва аҳиллик диққат етишмаслиги синдромли ва гиперактив болалар онгу шуурида ҳаётга муҳаббат, касбга садоқат, атрофдагиларга нисбатан ҳурмат ва эътибор сингари юксак инсоний фазилятларни ҳам шакллантириб, уларни ҳаётда ўз ўрнини топишда асос бўлади.

Калит сўзлар: диққат етишмаслиги синдромли ва гиперактив болалар, тарбия, оила, маҳалла, тарбия, импульсивлик, агрессия, депрессия.

Annotation. The highest product of family-human thinking. After all, this small place plays an important role in the development of the country. At the same time, harmony and harmony in the family form the basis of high human qualities such as love of life, devotion to the profession, respect and attention to others in the minds of children with attention deficit hyperactivity disorder and their place in life.

Keywords: children with attention deficit syndrome and hyperactivity, upbringing, family, neighborhood, upbringing, impulsivity, aggression, depression.

Инсон аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик одамлар орасида — маҳалла-қўйда, таълим муассасаларида сайқал топади. Шундай экан, ватанамиз ва халқимизнинг эртанги кунини, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини белгиловчи баркамол авлодни вояга етказишдек улуғ вазифани оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

«Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни, ватанамизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз



каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!», — дея таъкидлаган Ўзбекистон Президенти. Зероки, Ватан равнақи оиладан бошланади. Буюк алломаларимиз ҳам фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўплаб асарлар яратганлар. Хусусан, Абдурауф Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» деб номланган асарининг иккинчи қисмини айнан фарзанд тарбиясига бағишлаган. Унда оиладаги энг оғир вазифа фарзанд тарбияси экани, халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юқини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, кул ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқлиги алоҳида таъкидланади. Бир сўз билан айтганда, фарзанд оилада жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбияланиши, кучли бадан, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан қуроллантирилиши лозим.

Хулоса шуки, биз ҳам аждодларимиз қадриятларига таянган ҳолда оила муқаддаслигини, бутунлигини сақлашимиз, фарзандларимизни ватанпарвар, инсонпарвар, юксак эътиқодли, одоб-ахлоқли ва албатта баркамол этиб тарбиялашга интилишимиз зарур. Ёшларнинг таълим-тарбия-си ҳақида гап кетганда, маҳалланинг роли ва таъсири тўғрисида тўхталмай иложимиз йўқ. Бежиз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» дейилмаган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар айнан маҳалла муҳитида ривожланган. Булар эса ёш авлоднинг онгу тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Демак, фарзандларимиз таълим-тарбиясида маҳалланинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Афсуски, ҳозирги кунда диққат етишмаслиги синдромли ва гиперактив болалар ҳам тобора кўпайиб бормоқда ва уларга таълим – тарбия бериш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Чунки ушбу синдромли болаларда турли ёш босқичларида ўзига яраша психологик, ижтимоий ҳаёт, хулқ-атвор соҳаларида муаммолар янада ортиб боради. Айниқса, ўсмирлик даврида уларда девиант ва делеквент, аддиктив ахлоқ кўринишларида намоён бўла бошлайди. Ушбу муаммо ўз вақтида бартараф этиб борилмаса, бу синдром шахснинг бутун ҳаёти ва фаолиятида катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Демак, психолог мутахассислар бу синдром ҳақида билимларни ўзлаштиришлари, бундай болалар ва уларнинг ота-оналари билан иш олиб бориш кўникмаларига эга бўлишлари шарт.

Боланинг хулқ-атвори ота-оналарини ҳайрон қолдиради, улар психологик ноқулайлик ҳис эта бошлайдилар. Оилада зўриқиш, асабийлик кўпинча эр-хотинлар ўртасида ноаҳилликни келтириб чиқаради. Доимий уйқусизлик, таъсирчанликни кучайтиради. Психологик иқлим бузилган оилаларда болага тан жароҳати етказиш хавфи пайдо бўлади. Гиперактив болаларнинг мактабгача тарбия ёшидагилари орасида ҳам кўп ташвиш келтирадиганлари учраб туради: улар атрофдаги болалар билан кўп уришадилар, уларни тирнайдилар, тишлайдилар. Бундай бола одатда гуруҳда исталмаган бўлиб қолади. Ушбу синдромли болалар қайсар, бесабаб ғазабланади, баъзан ўзига жароҳат етказиши, бошқа болаларга, баъзан эса катталарга нисбатан тажовуз намоён қилади. Бузғунчилик ва тартибсизлик уларнинг ўйин фаолиятига



хосдир. Бола уйдан кўчага қочиб чиқади, ўзининг ҳаётини хавфга солиб, деворлар, дарактларга чиқади, ота-оналарига тинимсиз ташвиш келтиради.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оиласи парокандаликка юз тутган шахсларнинг аксарияти носоғлом турмуш кечиришга одатланган. Табиийки, бу унинг саломатлиги, хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Яна ҳам аниқроғи, ёлғиз яшаш оқибатида ичкиликни, тараллабедод ҳаёт кечиришни одат қилган шахслар кўпгина ҳолларда турли ҳуқуқбузарлик содир этишдан, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмасликдан ўзини тия олмайди, ўзининг ҳатти-ҳаракатини назорат қилишни сусайтириб юборади.

Ушбу синдромли болалар таълимнинг барча босқичларида ёш даврларининг хусусиятларига кўра турли хил муаммоларга дуч келадилар. Дикқати танқис синдромли гиперактив болалар бошланғич синфларда таълим олишга қийналадилар. Бу жараёнда кенг тарқалган қийинчиликларни кўриб чиқиш мумкин: биринчи ўринда, ўқишни ва ёзувни эгаллашдаги қийинчиликлар туради; кизлар эса кўпинча ҳисоблашда қийналадилар. Ушбу қийинчиликлар умумий ўзлаштиришга салбий таъсир қилиб, кейинчалик фанларни ўзлаштиришга халақит беради. Уларда етакчи қўлни аниқлашда узоқ иккиланиш, нутқнинг бузилиши, хулқ-атворида масхарабозлик кузатилади.

Гиперактив болаларни юқори синфларга ўтказиш муаммолидир: уларнинг баҳолари қониқарли бўлишига қарамай, ўқишга муносабатлари ва хулқ-атворлари мавжуд талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, кўп ўқитувчилар бундай болалар билан ишлашдан бош тортадилар. Ўсмирлик даврига келиб, яъни ўрта мактаб ёшидаги гиперактив синдромли болаларда психик тараққиётнинг кечикиши кузатилади ҳамда тенгдошларига нисбатан уларда пубертат даври кечроқ бошланади. Пубертат даврининг муаммолари яққол намоён бўла бошлайди. Бу ўзининг қадрлилиги ҳиссининг пасайиши натижасида ижтимоий муҳитдан бегоналашув, ота-оналар билан ўзаро муносабатлардаги қийинчиликлар, улар билан жанжаллашиш, оиладан узоқлашишга ҳаракат, руҳий қарама-қаршиликлар кабилардир. Буларнинг барчаси шундай шаклга кирадики, ўсмир билан мулоқот қилиш азобга айланади. Кўпинча ўсмирнинг шахсий ҳаётида хавф пайдо бўлади: депрессив ҳолат, ўзини ўлдириш ҳақидаги фикрлар келиб чиқади, жиноятчилик ва гиёҳвандлик каби асоциал (жамиятга зид) хулқ-атворга мойиллик пайдо бўлади.

Ўсмирлик даврида гиперактивлик бепарқликка айланади: уларда бирор-бир ишни бажаришга нисбатан на қандайдир қизиқиш, на қандайдир мотив мавжуд бўлмайди, бирор ишни охирига етказиш ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. Касб танлаш катта муаммога айланади, чунки гиперактив ўсмирни ҳеч нарса қизиқтирмайди ёки эгаллашга қобилиятлари етмайдиган касбларга қизиқадилар. Касбхунар таълим олишда улар жуда ҳам қийналадилар, доимо норози, ёмон кайфиятда ва дангасадек таассурот уйғотадилар. Касб-хунар таълимида тиришқоқлик, қунт, босиқлик, ташаббускорлик ўта муҳим саналади, бироқ гиперактив ўсмирларда ушбу ўта зарурий сифатлар мавжуд эмас. Улар кўп дарс қолдирадилар, уй вазифаларини бажармайдилар. Ўсмирнинг ҳаддан ортиқ эгоизми ота-оналарга алоҳида муаммо туғдиради. Эгоизм



уларга ҳар доим хос бўлган, бироқ ўсмирлик даврига келиб ҳар қандай чегарадан чиқиб кетади. Улар ўзларини ҳамма нарсага ҳақли деб биладилар. Уй ишларида умуман ёрдамлашмайдилар, гўёки уларга ҳамма хизмат қилишга мажбурдек.

Гиперактив синдромли ўсмирлар баъзан ота-оналарига дўқ-пўписа қиладилар ва ҳаттоки жисмоний зўравонлик ишлатадилар. Пул билан муомала қилишни билмайдилар: бор пулларини тезда совурадилар ва ўйлаб ўтирмай қарз оладилар. Кўполлик, дайдилик ва ёлғончилик – улар хулқ-атворининг доимий белгиларига айланади. Бундай синдромли ўсмирларда ўғирлик ва муштлашувлар содир этиш кўпроқ кузатилади. Болалигида диққат етишмаслиги синдроми ва гиперактивлик билан ажралиб турган катта ёшдаги одамлар ҳақидаги маълумотларда келтирилишича, улар ҳанузгача қийинчиликларга эгалар. Импульсивлик ўйлаб кўрилмаган ва номаъқул қарорлар қабул қилишга олиб келади (кераксиз нарсаларни сотиб олиш, хавфли тижорий шартномалар, кўпинча автоҳалокатлар билан тугайдиган эҳтиётсиз равишда автоуловни тез ҳайдаш, қисқача дўстона ва оилавий муносабатлар). Кайфиятнинг лабиллиги (ўзгарувчанлиги) кузатилади (депрессия, ғазаб хуружи ва бесабаб ҳаддан ортиқ реактивлик), шунингдек, бесабрлик ва жиззакилик ўзидан кейин оғир оқибатларни келтириб чиқаради (лавозимини йўқотиш, оиланинг бузилиши, дўстларидан айрилиш, фарзандларининг бегоналашуви).

Пировард мақсадимиз комил инсонни тарбиялаш экан, оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини янада ривожлантириш нафақат ушбу институтлар, балки жамоатчилик вакиллари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигига ҳам боғлиқлигини асло унутмаслигимиз керак. Биз ҳам аждодларимиз қадриятларига таянган ҳолда оила муқаддаслигини, бутунлигини сақлашимиз, фарзандларимизни ватанпарвар, инсонпарвар, юксак эътиқодли, одоб-ахлоқли ва албатта баркамол этиб тарбиялашга интилишимиз зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, диққат етишмаслиги синдромли ва гиперактив болаларни ўз вақтида аниқлаб, ушбу муаммони бартараф этишда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш, кейинги ёш босқичларида келиб чиқадиган ва борган сари оғирлашиб, катталашиб борадиган қийинчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Соғлом муҳит қарор топган оилалар юрт қорига ярайдиган, эл хизматига камарбаста бўла оладиган фарзандларни тарбиялаб, камолга етказишнинг энг асосий омилларидан биридир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Адабиётлар рўйхати

1. Аскарова Н. Диққат етишмаслиги синдромли ва гиперактив болаларда эмоционал соҳа коррекциясининг асосий методлари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 548.



2. Наргиза Абдивалиевна Аскарлова. ВЛИЯНИЕ РОДИТЕЛЬСКОГО ОТНОШЕНИЯ НА ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ЗДОРОВЬЕ ДЕТЕЙ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. Том 3. Номер 1.
3. Н.А. Аскарлова. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш жараёнларини коррекциялашга доир. Педагогика журнали. 2015. № 4. 48 бет.
4. НА Аскарлова, Ф.Ф Расулова. ДИҚҚАТ ЕТИШМАСЛИГИ СИНДРОМИ ЎҚУВЧИЛАРДА АГРЕССИЯ ВА ХУЛҚИЙ БУЗИЛИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА. Сборники конференций НИЦ Социосфера, 2016.
5. Н.А. Аскарлова. Особенности взаимоотношения детьми с синдромом дефицита внимание и гиперактивностью в семье. Ўзбекистонда психологик хизматнинг долзарб муаммолари. Оила маркази илмий – амалий анжуман тўплами 2015. 56 бет.
6. Нарметова Ю. Алекситимия-психосоматик касалликлар омили сифатида. – 2021.
7. Нишонова З.Т., Аскарлова Н.А. Болаларда диққат етишмаслиги психокоррекцияси. Услубий қўлланма. – Т., 2011.
8. Норметова Ю. Изучение социально-психологических подходов к проблемам здоровья и болезни //От истоков к современности. – 2015. – С. 304-306.
9. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА МАДАНИЙ-ГИГИЕНИК МАЛАКАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ-БОЛАЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ЈИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДА МУНИМ ВОСИТА //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.
10. Akhmedova M. et al. Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel. – 2021.